
2021 йил учун Давлат дастурига таклифларингиз борми?

Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ҳар йили махсус Давлат дастурлари қабул қилиниб, ҳаётга жорий этиб келинмоқда.

Айни вақтда 2021 йилда амалга ошириладиган вазифалар бўйича навбатдаги Давлат дастури лойиҳасини тайёрлаш [ишлари бошланди](#).

Ушбу жараёнда ҳар бир фуқаро, шунингдек, хориж давлатларида истиқомат қилаётган ватандошларимиз, жамоалар, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз таклиф-тавсиялари билан иштирок этишлари мумкин.

Таклифлар taklif.strategy.uz махсус сайти орқали қабул қилинади.

Унутманг, сизнинг таклифингиз халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, Ўзбекистоннинг янада тараққий этишида муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Шу боис «Тараққиёт стратегияси» маркази барчани фаолликка чақиради.

Сизнингча, Давлат дастурида қандай чора-тадбирлар акс этиши лозим?

Таклифларингизни кутамиз ва юрт тақдири ва келажагига бефарқ бўлмаганингиз учун аввалдан миннатдорчилик билдирамиз.

«Тараққиёт стратегияси» маркази

2020-11-16 18:39:58